

ЯНГИ ЙИРИК ЛОЙИХАЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 апрель куни Тошкент шаҳрида иш бошлаган “ИННОПРОМ. Марказий Осиё” бешинчи халқаро саноат кўргазмасига ташриф буюрди.



Кўргазма “Central Asian Expo Uzbekistan” мажмуасида ўтказилмоқда. Экспозициянинг умумий майдони 18 минг квадрат метрдан зиёд. Унда Россия, Марказий Осиёдаги қўшни давлатлар, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлардан 10 мингдан ортиқ делегатлар иштирок этмоқда.

Кўргазмада машинасозлик, электротехника, металлургия, кимё саноати, транспорт, қурилиш, ИТ ва бошқа тармоқлардаги етакчи корхоналарнинг технологик

ечимлари, замонавий ускуналари ва тайёр саноат маҳсулотлари намойиш этилмоқда.

Павилонлар ва экспозицияларни кўздан кечириш чоғида давлатимиз раҳбари иқтисодий кооперация учун катта салоҳият ва янги бизнес гоялар ишлаб чиқиш учун яхши имкониятлар мавжудлигини алоҳида таъкидлади.

Форум янги йирик лойиҳаларни илгари суришга суръат бағишлаши, узок муддатли шериклик алоқаларини ривожлантириш ва

худудлараро ҳамкорлиқни кенгайтиришга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Президенти Россия Ҳукумати Раисининг биринчи ўринбосари Денис Мантуров бошчилигидаги делегация билан учрашувлар ўтказди.

Россия делегацияси раҳбари Президентимизга Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўтган йил май ойида Россия Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи якунида эришилган келишув ва битимларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Товар айирбошлашнинг ўсиш суръати сақланиб қолмоқда, икки мамлакат ҳудудларини фаол жалб этган ҳолда муҳим кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни кенгайтириш, кооперация лойиҳалари ва дастурларини илгари суриш, шу жумладан, “Иннопром” форуми доирасида ўзаро мувофиқлашган ечимларни ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

Татаристон Раиси Рустам Минниханов билан учрашувда етакчи корхоналарнинг саноат кооперациясини ва фаол гуманитар алмашинуни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Жадал мулоқотларни давом эттириш, нефть-газ, кимё, транспорт, туризм ва бошқа соҳаларда, шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудларидаги саноат зоналари доирасида қўшма лойиҳаларни илгари суришга келишиб олинди.

“Росатом” давлат корпорацияси бош директори Алексей Лихачев билан суҳбатда тинч атом соҳасидаги ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани қайд этилди.

Қишлоқ ҳўжалиги ва тиббиётда ядро технологияларини қўллаш соҳасидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш, шунингдек, Тошкент шаҳридаги “МИФИ” филиали негизда кадрлар тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари давра суҳбатида иштирок этди. Унда икки мамлакат ҳудудлари ва етакчи компаниялари раҳбарлари кооперация лойиҳаларини амалга ошириш бўйича аниқ режаларни тақдирот қилдилар.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ЎЗ ТАРИХИДА ИЛК БОР БМТ СТАТИСТИКА КОМИССИЯСИГА САЙЛАНДИ

Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Статистика Комиссиясининг 2026-2029 йилларга аъзо давлатларини сайлаш жараёнида Ўзбекистон ушбу орган аъзоси этиб бир овоздан сайланди.

Таъкидлаш жоизки, Статистика Комиссияси 1947 йилда БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши (ИИК) томонидан функционал орган сифатида ташкил этилган. У халқаро статистика соҳасининг ривожланишини белгилловчи асосий ҳукуматлараро ташкилот бўлиб, универсал статистика стандартлари ва методологик принципларга оид ишларни мувофиқлаштиради. Комиссия

24 та давлатдан иборат бўлиб, улар 4 йилда бир марта географик тақсимотни ҳисобга олиб сайланади.

Ўзбекистоннинг ушбу орган аъзоси этиб сайланиши мамлакатда Президент раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг қўлмали ислохотларнинг халқаро миқёсда тан олинishi ва мамлакатнинг глобал жараёнлардаги ўсиб бораётган ролини кўрсатади.

Статистика Комиссиясига тўлиқ аъзо бўлиш Ўзбекистон учун глобал статистик сиёсатни шакллантиришда иштирок этиш, миллий тажриба ва ислохотлар ютуқларини намойиш қилиш, илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳамда халқаро ҳамкорлиқни мустақамлаш учун кенг имкониятни очиб беради.

“Дунё” АА

Нью-Йорк шаҳри



ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИГА ДАХЛДОРЛИК

МАҲАЛЛА РАИСИ САЙЛОВИ ЖАРАЁНИДАН ҲЕЧ БИРИМИЗ ЧЕТДА ҚОЛМАЙЛИК!

Шу йил май-июль ойларида мамлакатимизда муҳим тадбир — фуқаролар йиғини раиси сайлови ўтказилади. Айни кунларда жараёнга қизгин тайёргарлик кўрилмақда. Шу муносабат билан Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида республика штаби, 14 та ҳудуд ҳамда 208 та туман ва шаҳарда маҳалла раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи комиссиялар ҳузурида штаблар фаолияти йўлга қўйилди.

Бу йилги сайловнинг аввалгиларидан фарқли жиҳатлари борми? Маҳалла оқсоқоли мақомига кимлар муносиб бўла олади ва уларнинг олдига қандай вазифалар турибди? Юртимизда сўнгги йилларда маҳалла институтининг жамиятимиздаги ўрни ва мақени кўтариш борасида

амалга оширилаётган ишлар қандай самара бермоқда? Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси мутасаддилари, олим ва экспертларнинг шу хусусдаги фикрлари билан қизиқдик.

Давоми 3-бетда



“КИТОБХОНЛИК ҲАФТАЛИГИ” ҚАНДАЙ ЎТДИ?

Дастурнинг маънан кенгайган мундарижаси

5



Халқнинг тарихи ва маданияти, аввало, унинг оғзаки ижоди, фольклорида мужассам бўлади. Фольклор миллатнинг ўзлигини англаш, қадриятлари ва анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришда бебаҳо манбадир. Бунда, айниқса, Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг ўрни ва аҳамиятини алоҳида таъкидлаш керак.

Жорий йил 26-28 апрель кунлари қўҳна Хива шаҳрида IV халқаро бахшичилик санъати фестивали ва унинг доирасида II Туркий дунё маданияти форуми бўлиб ўтди.

Ярим тунда Хоразмнинг “ҳаво дарвозаси” — Урганч аэропортига кўндик. Баҳор шабадасида Амударё бўйларидаги ўт-ўланлар ифори димоққа урилади.

Аэропортда карнай-сурнай садоси, азим юртининг куй-қўшиқлари остида хорижий меҳмонлар, фестиваль қатнашчилари кутиб олинди. Хорижликлар маҳаллий аҳоли билан лазига тушиб, байрамона шукуҳга қўшилди. Сўнг меҳмонхона томон отландик.

Давоми 6-бетда



Ўзбекистон ва дунё

Барқарор яқинлашув сари йўл

Ўзбекистон мезбонлигида ўтадиган Кўрфаз ҳамкорлик кенгаши ва Марказий Осиё давлатлари (GCC — C5) ўртасидаги иккинчи саммит икки минтақа муносабатларини янги bosқичга олиб чиқиш учун муҳим сиёсий майдон вазифасини ўтайди.

Барқарор яқинлашув сари йўл

Элдор ТУЛЯКОВ, “Тараққиёт стратегияси” маркази ижрочи директори

Бугунги мураккаб шароитда фақат ҳукуматларро эмас, балки жамиятларро яқинлашув ҳам барқарорлик ва ўзаро ишончининг асосий пойдеворига айланмоқда. Саммит доирасида одамлар ўртасидаги aloқаларни мустаҳкамлаш, фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, ақл марказлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сўнгги йилларда Марказий Осиё ва Кўрфаз мамлакатлари ўртасида энергетика, савдо, транспорт ва хавфсизлик соҳаларида ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Бироқ бу сиёсий келишувларнинг мустаҳкам ва узоқ муддатли бўлиши одамлар ўртасидаги муносабатлар орқали қўллаб-қувватланиши лозим. Жаҳон тажрибасига кўра, инсонларо aloқалар дипломатик мулоқот учун ижтимоий замин яратади. Барқарорлик муҳитини таъминлайди ва ўзаро ишончин мустаҳкамлайди. Шунинг учун ушбу масала саммит кун тартибининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Марказий Осиё ва Кўрфаз мамлакатлари ислом цивилизациясининг муҳим марказларидир. Бухоро, Самарқанд ва Хива каби шаҳарларни Макка, Мадина ва Дубай билан bogʻловчи ташаббуслар нафақат туризм, балки маънавий ва тарихий бирлиكنи ҳам мустаҳкамлайди. Бу халқларимизнинг ўзаро бой маданияти ва тарихи билан яқиндан танишиш имкониятини оширади, жамоатчиликнинг давлатлараро ҳамкорликни яхши қабул қилишга хизмат қилади.

Ўзбекистон бу йўналишда қатор ташаббусларни амалга оширмоқда. 2023 йилда Саудия Арабистони фуқаролари учун визасиз режим жорий этилди. 2024 йилдан БАА



жараёнда экспертлар ҳамжамияти ва ақл марказларининг ўрни бекиёс.

Геосиёсий беқарорлик ва глобал қақирриқлар шароитида ақл марказлари ўртасидаги ҳамкорлик стратегик аҳамият касб этмоқда. Кўрфаз ва Марказий Осиё мамлакатларида фаолият юритаётган таҳлилий марказлар барқарорлик, хавфсизлик, иқтисодий диверсификация ва ижтимоий сиёсат масалаларида интеллектуал асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Биргаликдаги таҳлиллар, илмий мақолалар, экспертлар алмашинуви орқали ўзаро англашув ва сиёсий қарорлар сифати ошади.

Миллатлараро ҳамкорликни ривожлантиришда турли ташаббус ва лойиҳалар қаторида чегарага яқин ҳудудлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам эътибор қаратиши лозим.

Сўнгги йилларда минтақамизда кузатилаётган ижобий ўзгаришлар тўғрисида раволди ҳудудларда ўзаро ҳамкорликнинг янги йўналишлари шаклланимоқда. Шу нуқта назардан, икки минтақа мамлакатлари ўртасида чегарага яқин ҳудудлар даражасидаги aloқаларни янада фаоллаштириш масаласи долзарб аҳамият касб этади. Бу, аввало, бундай ҳудудлар ўзаро тажриба алмашиш имкониятини яратishi, шунингдек, уларнинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда турли ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишга замин ҳозирлаши мумкин.

Бундан ташқари, маҳаллий даражадаги ҳамкорлик асосида маданий фестиваллар, ёшлар алмашинуви дастурлари, таълим йўналишидаги шериклик ҳамда муниципал ҳамкорликни кенгайтириш имкониятлари мавжуд. Бундай ташаббуслар нафақат чегара ҳудудларидаги фаол aloқаларни мустаҳкамлайди, балки халқлар ўртасида ўзаро ишонч ва яқинлиكنи кучайтиришга ҳам хизмат қилади. Бу ҳудудлар халқ дипломатиясининг намунавий марказларига айланиб, стратегик келишувларни амалиётга жорий этишда катта ўрин тутаяди.

Саммит доирасида муҳокама этиладиган масалаларнинг ижобий натижалари ҳар бир минтақа аҳолиси учун долзарб аҳамият касб этади. Бу жараёнда жамиятлар, инсонлар ва гошлар ўртасидаги яқинлашув муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда. Шу нуқта назардан, расмий даражадаги сый-ҳаракатларнинг самарали амалга оширилиши ва кенг жамоатчилик томонидан тўғри англаниши учун ННТлар ва ақл марказлари орқали конструктив мулоқотни ривожлантириш икки минтақа келажагини белгилайдиган муҳим ва истикболли ресурс бўлиб хизмат қилади.

ИННОПРОМ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ САНОАТИНИНГ ЁРҚИН НАМОЙИШИ

Бошланиши 1-бетда

Халқаро кўрғазма иштирокчилари ҳам янги лойиҳалар умидида келган. Йирик саноат кўрғазмасида Ўзбекистон, Марказий Осиёдаги қўшни давлатлар, Россия, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлардан юзлаб ишлаб чиқариш компаниялари, инвесторлар, бизнес делегациялари қатнашмоқда. Улар кўрғазма майдонининг энергетика, электротехника ва металлургия, саноатни автоматлаштириш ва ахборот технологиялари, фармацевтика ва тиббиёт комплекси сингари турли саноат бўлиmlарида тендларини ўрнатиб, махсулотларини намоиш этипти.

“ИННОПРОМ. Марказий Осиё” халқаро саноат кўрғазмасининг нуфузи йил сайин ошиб бораётгани имзолаётган ҳамкорлик битимларида ҳам кўзга ташланмоқда. Утган йили тадбир доирасида умумий қиймати 4 миллиард долларлик инвестиция лойиҳалари ва савдо битимлари имзоланганди. Келишувларнинг асосий қисми юртимизнинг турли ҳудудида тўғри келади. Масъуларнинг таъкидлашича, утган йилнинг ўзида мамлакатимизнинг Россия ва Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо қиймати 20 миллиард доллара қиянлашган. Айни пайтда Ўзбекистонда ушбу мамлакатлар капитали иштирокчида ташкил этилган 5000 га яқин корхона бор. Юртимиз иқтисодиётининг турли тармақларида 67 миллиард долларлик 650 дан ортиқ қўшма лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу лойиҳаларнинг қўшма ИННОПРОМ павильонларида асос қўйилаётир. Кўрғазмада иштирокчилар, турли компания вакиллари ва инвесторларнинг самарали мулоқоти учун барча шароит мавжуд. Тадбир доирасида ташкил этилаётган пленер ва панель сессиялар, B2B учрашувлар, давра суҳбатлари янги ҳамкорлик aloқалари ўрнатилишига хизмат қилади. Халқаро кўрғазмадан қўзланган мақсад ҳам турли соҳалардаги энг янги технологиялар ва ишланмаларни тарғиб қилиш, ишбилармонлик aloқаларини ўрнатиш, битимлар тузиш ва янги лойиҳаларни амалга оширишдан иборат. Бунда давлатларнинг ўзаро яқдиллик, дўстлик муносабатлари муҳим ўрин тутаяди.

— Мазкур саноат кўрғазмаси хорижий мамлакатларда катта қизиқиш уйғотаёттир, — дейди Инвестициялар, саноат ва

савдо вазирилик департамент бошлиғи Эврин Турғунов. — Бу Марказий Осиёда истиқболли ва динамик ривожланаётган бозорга нисбатан чет эл саноат компанияларининг қизиқиши ортиб бораётгани билан ҳам bogʻлиқ. Йирик кўрғазма эса мамлакатлар ўртасида саноат кооперациясини мустаҳкамлаб, халқаро миқёсдаги иштирокчиларга янги бозорларни муваффақиятли ўрганишда ёрдам бермоқда. Хорижийлар кўрғазма давомида Марказий Осиё минтақасининг инвестициявий ҳамда иқтисодий салоҳияти билан танишиш, ўзаро конструктив мулоқот қилиш имкониятига эга.

Кўрғазма майдони бўйлаб ана шундай дўстона муҳит яратилган. Қўшни давлатларнинг ҳам aloҳида экспозициялари ташкил этилган. Майдоннинг асосий кўрғазмалар қисмида меҳмонлар ўзларига ажратилган ҳудудда саноат махсулотларини намоиш этипти. Таклиф этилаётган брендларнинг аксарияти янги турдаги, энг замонавий махсулотлардир. Ҳеч бир тенд олдидан шунчаки ўтиб кетиб бўлмайди. Масалан, россияликлар бурчагидаги замонавий дронларнинг турли ҳамж ва кўринишдаги намуналари эътиборимизни тортиди. Ҳозир деярли барча жабага кириб бораётган дронлар жаҳон амалиётида қишлоқ хўжалиғи, ташув хизматлари, ёнгин хавфсизлиғи, топографик суратга олиш, медиа каби соҳаларда кенг қўлланилмоқда. Уни “келажақ транспортлари” қаторига қўйиш мумкин. Бу компания ҳам “Келажақ транспорт” деб номланади. 2021 йилда ташкил этилган дрон ишлаб чиқариш заводи Россиядаги энг йирик корхоналардан экани, 2000 га яқин одам ишлаши ҳақида маълумот олдик. Компания вакилининг тушунтиришича, заводида бир кунда 10 та дрон ишлаб чиқарилади. Асосан, 5 хил ҳамдаги дронлар ишлаб чиқарилиб, энг кичигининг оғирлиғи 3 кило, энг каттасиники эса 120 килога боради. Махсулотлар Дубай, Хитой, Беларусь, Қозғистон каби давлатларга экспорт қилинади.

Компания Ўзбекистон билан ҳамкорлик бошлашни режалаштирган. Мамлакатимизнинг асосий ҳамкорлари қаторига қўшилиб, шу йил охирида дрон ишлаб чиқариш қўшма корхонасини ишга туширмоқчи. Бу ҳақда “ИННОПРОМ. Марказий



Осиё” халқаро саноат кўрғазмасида иштирок этаётган “Келажақ транспорт” компанияси бош директори Юрий Козаренко маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, қўшма корхона курилиши давом этмоқда. Заводида ишлаб чиқариладиган дронлардан қишлоқ хўжалиғида фойдаланилади. Биринчи bosқичда ишлаб чиқарилган махсулот қиймати 100 миллион доллардан ошishi режалаштирилган.

Халқаро кўрғазмада маҳаллий саноат корхоналари ҳам фаол иштирок этипти. Уларнинг аксарияти саноат кўрғазмасининг доимий қатнашчилари. Мезбонлар юртимиз саноатининг энг янги технологияларини намоиш этиш баробарида ўзаро савдо ҳамкорларини излаб топомқда. Тошкент шаҳридаги “Электр машиналари заводи” корхонаси ҳам халқаро кўрғазмада иккинчи бор иштирок этмоқда. Утган йили россиялик харидорлар билан салмоқли келишувга эришган. Жорий йилда қўшни давлатлардан талаб юқори бўлмоқда. Гап шундаки, 2022 йилдан бери фаолият юритаётган корхонада тоғ-кон саноатида фойдаланиладиган транспорт воситалари учун доимий тоқда ишлайдиган электр двигателлари ишлаб чиқарилади. Бундай усуналарни ишлаб чиқарадиган заводлар кўп эмас. Пойтахтимиздаги мазкур корхона Марказий Осиёда ягона.

— Электр двигателлар экскаватор, тепловоз, автосамосвал, махсус машиналар учун ишлатилади, — дейди “Электр машиналари заводи” корхонаси директори ўринбосари Гулнора Ҳамроева. — Усуналар оғирлиғи 300 килодан 6-7 тоннагача боради. Асосий харидорларимиз юртимиздаги кон-металлургия комбинатлари. Авваллари улар бундай усуналарни хориждан импорт қилган бўлса, ҳозир ўзимиздан бир неча баробар арзон харид қилмоқда. Кейинги йилларда махсулотимизга хорижий корхоналардан ҳам талаб ортиб бораётти. Қатор давлатларга экспортни йўлга қўйганмиз. Саноат кўрғазмаси доирасида янги ҳамкорлар топишни режалаштирямиз.

ИННОПРОМ саноат кўрғазмасининг яна бир ўзига хос томони бор: унинг формати Тошкент шаҳри билан чегараланиб қолмай, ҳудудлар билан фаол ҳамкорлик битимлари тузилади. Халқаро саноат кўрғазмасининг илк кунидaёш шартномалар имзолаш маросими бошлаб юборилди. Хусусан, Бухоро вилояти ҳамда Омск вилояти билан савдо-иқтисодий, Татаристон Республикаси ҳукумати билан Навоий вилояти ўртасида савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар aloқаларни ривожлантириш бўйича келишувларга эришилди. Тошкент вилояти ҳамда Москва вилояти ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш меморандуми имзоланди.

Шундай қилиб, 30 апрелга қадар давом этадиган халқаро тадбирни чин маънода саноат кунлари дейиш мумкин. Кўрғазма доирасидаги ўнлаб катта-кичик тадбирлар, учрашув ҳамда келишувлар манфаатларни уйғунлаштирувчи чорраҳа вазифасини ўтайди.

Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ЖИЗЗАХ БРИТАНИЯЛИКЛАР УЧУН АСОСИЙ САЙЁҲЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНМОҚДА



Жиззах вилояти беқиёс гўзал табиати билан нафақат маҳаллий, балки хорижлик сайёҳларни ҳам ўзига жалб этмоқда. Жорий йилнинг ўтган уч ойида вилоятга 78 мингдан зиёд сайёҳ ташриф бурюди. Улар орасида туризм хизматига юқори талаб қўядиган Европа мамлакатларидан келаётганлар ортиб бораётгани вилоятда бу йўналишда сифат ўзгаришларига эришилаётганидан далолат беради.

Нурота тоғлари этагида жойлашган Форш туманининг Уҳум, Асраф, Мажмур қишлоқлари табиати бетакор. Айниқса, четдан келган кишини бу ердаги биологик хилма-хиллик ўзига тартади.

Уҳум қишлоғининг Хаёт маҳалласида яшовчи Нарзулла Мусев 2016 йилда икки хонадан иборат уй меҳмонхона очганди. Изланувчан тадбиркор Тошкентда семинарларда қатнашиб, сайёҳларни хизмат кўрсатиш бўйича малакасини ошириб келди. Инглиз, рус тилларини яхши билади. Фарзандлари ҳам инглиз тилида равон гаплашади. Сайёҳларга йўлбошчилик хизмати кўрсатаётган қўшинлари, жиянлари ҳам инглиз тилини ўрганди. Кредит олиб, фаолиятини яна кенгайтирди. Хорижлик меҳмонларнинг дидини ҳисобга олиб, уй меҳмонхона қурди. Ҳозир Нарзулла Мусевнинг “Нават guesthouse” уй меҳмонхонасини хорижлик туроператорлар ҳам яхши билади.

— Меҳмонларимизнинг аксари европаликлар, — дейди Нарзулла Мусев. — Уларни фақат табиат эмас, халқимизнинг урф-одатлари, миллий аънаъа ва турмуш тарзи ҳам қизиқтиради. Шунинг учун меҳмонхонамиз эгизлоланиши, таом тайёрлаш, хизмат кўрсатишда сайёҳларга миллийликни намоиш этишга aloҳида эътибор қаратамиз. Яқинда Нарзулла Мусевнинг сайёҳлик масканида хорижлик туристлар оқимини кўпайтиришга қаратилган қизиқарли тадбир бўлиб ўтди.

Президентимиз ташаббуси билан хорижий мамлакатларда юртимизнинг сайёҳлик салоҳиятини тарғиб этиш мақсадида



сифатини ошириш юзасидан фойдали фикр алмашувлар бўлди. Жиззах вилоятининг сайёҳлик салоҳиятини Буюк Британиядан тарғиб қилиш бўйича меморандум имзоланди.

Тадбир доирасида хорижлик меҳмонларга ҳудуд аҳолисининг амалий, бадий хунармандлик буюмлари, миллий таомлари кўрғазмалари, фольклор-этнографик жамоалар ижросида куй, қўшиқ, рақслар намоиш этилди. Иштирокчилар ҳудуднинг сайёҳлик жозибасини хорижда кенг тарғиб этишга хизмат қиладиган бундай тадбирлар жуда фойдали эканини эътироф этиди.

— Жиззах вилоятда кўп бўлганман, — деди Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги

уларни қизиқтирадиган табиат бор. Дам олиш учун шароит, хизмат кўрсатиш меҳмонларнинг нозик дидига яраша ташкил этилган. Эътиборлиси, бунин Европа мамлакатини вакиллари ҳам эътироф этмоқда.

— Форш туманининг чекка қишлоғида экотуризмни ривожлантириш ишлари вилоятимизда соҳанинг катта имкониятларини кўрсатиб турибди, — дейди вилоят Туризм бoшқармаси бошлиғи ўринбосари Азиз Эгамбердиев. — Жорий йилда вилоятга 500 минг хорижий, 2 миллион маҳаллий сайёҳ ташрифи кутилмоқда. Сайёҳларни жалб этиш учун шаҳар ва туманлар кесимида режа-графиклар ишлаб чиқилди. Шу мақсадда қатор тарғибот тадбирлари ўтказилади. Жумладан, жорий йилда 2 та халқаро, 10 та республика ҳамда маҳаллий миқёсдаги 20 дан зиёд маданий, кўнгличорар ва спорт тадбири ўтказилиши режалаштирилган. Хориждаги дипломатик

ваколатхоналар билан ҳамкорликда 4 марта инфотурлар ташкил этилади. Бу тадбирлар сайёҳлар оқимини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, вилоятда ҳокимликлар ва тегйишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган режага кўра, 1 июлга қадар Бахмал туманининг Музбўлоқ маҳалласи ҳудудидаги 207 гектар ерда туризм объектилари барпо этилади. Жумладан, 100 гектар майдонда қиймати 10 миллион доллар бўлган дам олиш маскани ва соғломлаштириш маркази, қолган 107 гектарда қиймати 15 миллион долларлик ворқаут майдони, амфитеатр, велоспорт, парралан, меҳмонхона ҳамда савдо ва сервис хизматларини ўз ичига олган туризм кластери ташкил этилади. Режага мувофиқ, бу ишлар шу йилнинг ўзида бажарилиши керак.

Сайёҳликни ривожлантириш борасидаги бундай йирик лойиҳалар Зомин, Форш, Арнасой ва бошқа туманларда ҳам амалга оширилиши режалаштирилган.

Президентимиз ақинда ўтказилган йиғилишда вилоятда гастрономик туризм марказлари мавжуд эмаслиги, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Нукус ва республикамиз жанубий вилоятларига ўтаётган сайёҳларнинг йўлидаги муҳим бекат бўлган Илоўтти дарасидаги Темир дарвоза, Темур гори ҳудудини ободонлаштириш ишлари пайсалга солиб келинаётганини эътиборсизликдан бошқа нарса билан изоҳлаб бўлмаслигини таъкидлаганди.

Кўрсатилган камчиликларга соҳада тадбиркорликни қўллаб-қувватлашдаги эътиборсизлик ҳам асосий сабаблардан бири бўлмоқда. Бундан ташқари, сайёҳлик йўналишларидаги йўллар сифатида, интернет, коммуникация тизимларида жиддий камчиликлар бор.

Вилоятда сайёҳларни қизиқтирадиган биологик хилма-хил экотизм мавжуд. Зомин, Бахмал туманларининг тоғ дарвоза ўрмонлари, Қизилқум чўли ва Нурота тоғ тизмалари, Айдар-Арнасой қўллари бетакор табиати, ноёб ҳайвонот ва наботот олами билан сайёҳларни ўзига жалб этади. Табиат ато этган бу бойлиқдан асраб-авайлаб фойдаланиш учун замонавий сайёҳлик инфратузилмасини барпо этишни тезлаштириш жуда зарур ишлардан бўлиб турибди.

Фарҳод НЕЪМАТ, журналист



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz

ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИГА ДАХЛДОРЛИК

МАҲАЛЛА РАИСИ САЙЛОВИ ЖАРАЁНИДАН ҲЕЧ БИРИМИЗ ЧЕТДА ҚОЛМАЙЛИК!

Бошланиш 1-бетда

Маҳалла фуқаролик жамияти институти сифатида ижтимоий бошқарув ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишга инновацион ёндашувнинг бетакрор намунасидир. У нафақат замонавий муаммоларга самарали ечим топади, балки халқимизнинг бой маданий-тарихий меросини ўзида жамлаган ноёб тузилмадир.



Долли АЛИАЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари
уюشمаси раиси ўринбосари

Ваколат муддатини узайтиришга қандай эҳтиёж бор эди?

Шу боис, сўнгги йилларда маҳалла институтининг ўрни ва мақомини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг қонунда белгиланган ваколатларини рўёбга чиқаришга қўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси тузилди. Барча соҳаларда “маҳаллабай” ишлаш усули кенг жорий этилди. Бугунги кунда 9452 та маҳаллада “маҳалла еттилиги”нинг 57 минг 132 аъзоси фаолият юритяпти.

Албатта, “еттилик” фаолиятини тизимли ташкил этиш, самарали ишлашини таъминлашда маҳалла раисининг ўрни алоҳида. Маҳаллаларимизда энг муносиб, жонқуяр, фидойи раислар ишлаши юртимиздаги демократик ислохотларни чуқурлаштириш, ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни самарали рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Шу йил 11 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун бу жабҳадаги ислохотларга янгича руҳ бағишлади. Ушбу қонун асосида “Фуқаролар йиғини раиси сайлови

узайтирилиши маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг ўз ҳудуди аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан янада кенгроқ хабардор бўлиши, фуқароларга ёрдам кўрсатишда тўғри ва талабчан ёндашиш борасидаги имкониятларини оширади.

Маҳалла раислари сайлови охириги марта 2022 йил май ойида ўтказилган бўлса, шу кунга қадар уч мингдан ортиқ маҳалла раисининг ваколатлари турли сабабларга кўра муддатидан аввал тугатилган. Бу кўнимсизлик аҳолининг эътирозлари ҳамда ҳудудда аниқ режа асосида ишланмаслигига олиб келатган эди. Энди бўшаб қолган ўринга янги маҳалла раиси тўлиқ беш йил муддатга сайланади. Ушбу норма янги раис маҳаллада амалга оширмақчи бўлган вазифаларини тўла-тўқис бажариши учун имконият яратади.

Яна бир янгилик Олий Мажлис Сенати кенгашининг маҳалла раиси сайловини ташкиллаштиришга оид ваколатлари номарказлаштирилгани билан боғлиқ. Эндиликда маҳалла раиси сайловини ўтказиш муддатларини, шунингдек, сайловга тайёргарлик тадбирларини ўтказиш муддати ва тартибини белгилаш бўйича Олий Мажлис Сенати кенгашининг ваколатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашлари томонидан белгиланади ҳамда сайловга тайёргарлик тадбирларини ўтказиш муддатлари ва тартиби ҳам айнан маҳаллий кенгаш депутатлари томонидан тартибга солинади.

Фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишда маҳаллаларга амалий ёрдам кўрсатиш учун ҳудудларда тегишли комиссиялар тузилиши ва ушбу комиссиялар таркибига фуқаролар йиғинлари, давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари билан биргаликда маҳаллий кенгаш депутатлари ҳам киритилиши

Депутатлар иштироки — янги босқичдаги муҳим ҳамкорлик

Президентимизнинг 2024 йил 2 февралдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан 33 та функция ва ваколат ижро ҳокимиятидан маҳаллий кенгашларга ўтказилди. Ана шундай ваколатлардан бири фуқаролар йиғини раиси сайловини ўтказиш билан боғлиқ.

“Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида”ги қонунда маҳаллий кенгашларнинг фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашишга оид қатор ваколат ва функциялари белгилаб берилган. Жумладан, фуқаролар йиғини раиси сайловини ўтказиш муддатлари сайлов бошланишидан камидан икки ой олдин Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашлари томонидан белгиланади ҳамда сайловга тайёргарлик тадбирларини ўтказиш муддатлари ва тартиби ҳам айнан маҳаллий кенгаш депутатлари томонидан тартибга солинади.

Фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишда маҳаллаларга амалий ёрдам кўрсатиш учун ҳудудларда тегишли комиссиялар тузилиши ва ушбу комиссиялар таркибига фуқаролар йиғинлари, давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари билан биргаликда маҳаллий кенгаш депутатлари ҳам киритилиши



Фаррух АБДУҲАМИДОВ,
Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази
эксперти, Халқ депутатлари
Арнасой тумани кенгаши
депутати

белгиланган. Бундан кўриш мумкинки, депутатлар нафақат маҳалла раислари сайлови билан боғлиқ ташкилий тадбирларни тасдиқлайди, балки сайлов комиссиялари таркибига

“

Адлия вазирлиги билан биргаликда жорий йилнинг февраль-март ойларида қўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳлар аъзолари ўқитилди. Шунингдек, улар фаолиятини самарали ташкил қилиш учун маҳалла раиси сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича услубий тавсия, “Маҳалла сайловига оид 100 саволга 100 жавоб” ва “Маҳалла раиси сайловига оид норматив ҳужжатлар тўплами” услубий қўлланмалари, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлар учун эслатма ишлаб чиқилиб, ҳудудларга етказилди.

Маҳалла — мустақил, аммо ёлғиз эмас

Бугун юртимизда мавжуд 10 мингга яқин маҳалла изчил демократик ислохотларнинг нафақат бевосита иштирокчиси, балки фаол ташаббускорига айланмоқда. Айни шу боис, янги таҳрирдаги Конституциямизда қуйидаги норма мустаҳкамланди:

“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига қирмайди ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни фуқароларнинг манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий ўзинга хос хусусиятларидан, шунингдек, миллий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда, қонунга мувофиқ мустақил равишда ҳал этишга ҳақли”.

Бу ўзгаришлар бир неча ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатни англатади.

Биринчидан, давлат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ваколатларини мустақил амалга ошириши учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва уларга қўмаклашиш мажбуриятини олди.

Иккинчидан, маҳалла олдий ижтимоий тузилма эмас, конституциявий-ҳуқуқий мақомга эга институт. Бу эса маҳалланинг фаолияти фақат маиший ёки ташкилий вазифалар билан чекланиб қолмай, аҳоли ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ҳимоя қилиш ҳамда ижтимоий адолатни қарор топтиришда муҳим конституциявий-ҳуқуқий механизм сифатида белгиланганини англатади.

Учинчидан, маҳалла фаолиятини ўзинга хос тарихий, миллий ва маънавий қадриятлар, шунингдек, маҳаллий урф-одатлар асосида амалга оширади. Ушбу хусусият уни жамиятда барқарорлик ва ҳамжиҳатликни таъминловчи бетакрор ижтимоий муҳитга айлантиради.

Янги конституциявий норма орқали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари нодавлат, анъанавий бошқарув тизимининг ҳуқуқий кафолатланган шаклига айлантирилди. Давлат идоралари томонидан ноқонуний аралашувга йўл қўймаслик учун конституциявий пойдевор яратилди. Уларнинг фаолиятини мустаҳкамлашга ҳизмат қилувчи барқарор ҳуқуқий асос таъминланди.

Янги таҳрирдаги Конституция билан маҳалла фаолиятига оид яна бир янги норма киритилди: “Давлат фуқароларининг



Ихтиёр БЕКОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор

ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратяди, уларга қонунда белгиланган ваколатларини амалга оширишида қўмаклашади”. Ушбу норма давлатнинг муҳим мажбуриятини назарда тутаяди. Бу ерда “шарт-шароит яратиш” ва “қўмаклашиш” тушунчалари давлатни бетараф қузатувчи эмас, балки амалий ёрдамчи сифатида намоён қилади. Давлат маҳалланинг фаолиятига молиявий, ташкилий, ҳуқуқий жиҳатдан амалий қўмак кўрсатиши лозим.

Маҳалла — мустақил, аммо ёлғиз эмас. Бу жиҳат маҳаллага мустақил фаолият юритиш имконини беради, шу билан бирга, юксак вазифаларини бажаришда давлат уни ёлғиз қолдирмаслиги кераклигини ҳам белгилайди. Фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда муҳим кўприк вазифасини бажаради. Бу давлат ва маҳалланинг умуммиллий фаровонлик йўлида елкадош бўлиб ҳаракат қилишини кафолатлайди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалла институтининг ҳуқуқий мақоми, вазифа ва ваколатлари алоҳида тартибда белгилаб берилди. Бу жараён фақат декларатив эмас, балки аниқ қонунчилик ислохотлари орқали кечмоқда.

киритилиб, сайлов жараёни шаффоф ва адолатли ўтишини назорат қилиб боришда ҳам фаол иштирок этади.

Ушбу қонунга мувофиқ, тегишли ҳудуддаги маҳаллий кенгаш депутатлари фуқаролар йиғини раиси сайловини ташкил этиш ва ўтказиш учун фуқаролар йиғини қарори билан тузилган ишчи гуруҳ таркибига ҳам киритилади. Бу ишчи гуруҳ аъзоларида тегишли комиссияга тақдим этиш учун фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар бўйича таклифлар бериш ваколати бор.

Умуман олганда, бугун маҳалла раислари сайловда депутатларнинг фаол иштироки маҳаллий бошқарув тизимини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бу ҳамкорлик жамиятдаги демократик жараёнларнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Жойларда маҳаллий кенгашлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ҳамда уларга услубий ёрдам кўрсатиш Олий Мажлис Сенати томонидан амалга оширилади. Сенатнинг тегишли қарори билан маҳаллий кенгаш депутатларининг “маҳалла еттилиги” билан бевосита ҳамкорликдаги вазифаларининг аниқ чегаралари белгилаб берилгани ўзаро алоқалар ривожига муҳим ўрин тутмоқда.

Маҳаллий кенгаш депутатлари томонидан “маҳалла еттилиги” билан биргаликда лойиҳалар ижросини ўрганиб бориш, муаммолни масалаларни аниқлаш ва маҳаллий кенгашга қиритиш орқали аниқланган муаммолни масалаларни кенгаш сессияларида муҳокама қилиш йўли билан ҳал этиш вазифаси шулар жумласидан. Бу эса халқчил ташаббусларни ҳаётга татбиқ қилишда муҳим аҳамият касб этади.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясидаги бир қанча мақсадлар доирасида маҳалла институти фаолиятини тақомиллаштиришга

қаратилган вазифалар назарда тутилган. Хусусан, аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва ҳудудларда кундалик масалаларни ҳал этишда маҳаллани жамоатчилик ҳамда давлат органлари ўртасидаги “таянч кўприк”ка айлантиришга оид муҳим чора-тадбирлар белгиланган. Ушбу вазифалар доирасида маҳалла маблағларини аҳоли овозига кўра инфратузилма лойиҳаларига йўналтириш амалиёти жорий қилиниб, маҳаллалардаги муаммоларни ҳал этиш учун ажратилган маблағ миқдори камидан 3 баробар кўпайтирилади. Аҳоли ташаббуси билан инфратузилмани яхшилашга ажратиладиган маблағ ҳажми эса 24 триллион сўмга етказилади.

Шу билан бирга, маҳаллаларда 100 дан ортиқ давлат хизматини “бир қадам” тамойили асосида кўрсатиш йўлга қўйилиб, аҳоли билан ишлашга қаратилган жараёнлар тўла рақамлаштирилади. Ҳар бир маҳаллада “электрон хизмат нуқталари” ишга туширилади. Яна бир муҳим йўналиш — ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар маҳалланинг ўзида ҳал қилинадиган халқчил тизим яратилади.

Қисқача айтганда, яқин келажақда маҳалла фуқароларнинг давлат билан мулоқот нуқтаси, ислохотларнинг “биринчи босқичи” ва давлат сиёсатининг маҳаллий инфодаси айланади. Бу эса маҳалла бошқарувини фақат маъмурий институт эмас, балки жамоатчилик назорати, фуқаролик фаолиги ва манфаатлар инфодаси тизими сифатида шакллантиришга хизмат қилади.

маҳалла тизимига замонавий ёндашувлар ва янги имкониятларни тақдим этади.

Янги конституциявий кафолатлар маҳаллаларга ўз ҳудудини мустақил бошқариш, аҳоли манфаатларидан келиб чиқиб, давлат билан ҳамкорликда муаммоларни ҳал қилиш, ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, самарали жамоатчилик назорати ва энг муҳими, халқ фаровонлигини ошириш имконини беради.

Натижада маҳалла институти анъанавий жамоавий тузиладан чинакам институционал кучга айланимоқда. Бу жараён шунчаки ҳуқуқий инфода эмас, балки давлат ва жамият ўртасидаги энг яқин, ўзаро таъсирчан механизмни шакллантиришга қаратилган.

Соҳага оид халқчил ислохотлар маҳалланинг юридик мақомини қучайтирди, моддий асосларини белгиледи, фаолиятини стратегик даражага кўтарди. Асосийси, маҳаллага энди ижтимоий сиёсатни жойларда амалга оширувчи бошқарув субъекти сифатида қаралмоқда. Бу тенденция маҳалланинг келажagini фақат давлат дастлабкирога боғлаб қўймасдан, уни самарали, ҳисобдор, мустақил ва таъсирли тузилма сифатида ривожлантиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, жамоавий онг, маданият ва ҳамжиҳатликни конституциявий пойдеворда мустаҳкамлаш имконини беради.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастурида ҳаётимизнинг барча жабҳаларини ислох этиш, жумладан, маҳалла инфратузилмасини янада тақомиллаштириш билан боғлиқ муҳим чора-тадбирлар белгиланган. Шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, камбағалликни қамайтириш, ишсизликни бартараф этиш, маънавий-материй лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилиш, ҳудудларнинг экологик ҳолатини яхшилаш ва яшилликни кенгайтириш каби муҳим чора-тадбирларни рўёбга чиқаришда ҳам маҳалланинг ўрни бекиёс.

Албатта, бу борада қўзланган мақсад ва режалар тўла рўёбга чиқишида маҳаллаларда хайрли ишларга доимо бош-қош бўладиган фидойи, жонқуяр, ташаббускор оқсоқолларнинг ўз ўрни бор. Шу нуқтага назардан қараганда, юртимизда бўлиб ўтадиган маҳалла раиси сайлови фақатгина маҳаллалар ривожига эмас, юртимиз тараққиётини таъминлаш, халқроқ миқёсдаги ўрни ва нуфузини юксалтиришда ҳам самара беради. Шу боис, ҳар биримиз маъмур сиёсий тадбирда фаол иштирок этиш орқали маҳалламиз ободлиги ва ривож, пировардида эса юртимиз равнақиға ҳиссамизни қўшган бўламиз.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Баҳор ХИДИРОВА ёзиб олди.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

тўғрисида”ги қонунга киритилган ўзгаришлар билан боғлиқ, маҳалла раислари беш йил муддатга сайланади.

Маҳалла раисининг ваколат муддатини узайтиришга қандай эҳтиёж бор, бунинг афзаллиги нимада, деган савол туғилиши табиий. Бунга жавобан айтиш мумкинки, сўнгги йилларда маҳалла институти фаолияти самарадорлигини оширишга оид ислохотлар натижаида “маҳалла еттилиги”га нафақат қўшимча ваколат ва имкониятлар тақдим этилди, балки масъулияти ҳам оширилди.

Хусусан, аҳолининг эҳтиёжманд қатламга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидиялар ажратиш ваколати билан бирга ушбу ёрдамларнинг мақсадли ва манзилли йўналтирилишига масъуллик ва жавобгарлик ҳам “еттилик” зиммасига юкланди. Натижада маҳалла ҳар бир оила, ҳар бир инсон муаммоси, дарду ташвишига чуқур кириб бора оладиган халқчил тузилма сифатида янада фаоллашди.

“Маҳалла еттилиги”нинг умумий раҳбари сифатида маҳалла раислари масъулияти қучайтирилганда бир вақтда уларнинг ваколат муддати ўз билим ва тажрибасини амалиётда қўллаш, белгиланган режаларни тўла ва сифатли амалга ошириш учун етарли эмаслиги, яъни қисқалиги сезилган эди.

Қонунчилигимизга киритилган ўзгаришга мувофиқ, ваколат муддати беш йилга

Жиззахдан нафақат юртимиз вилоятлари, қатор қўшни давлатлар, балки бутун Евроосиёни туташтирувчи халқаро аҳамиятга эга автойўл ўтган. Худуддаги ўнта шаҳар ва туманга темир йўл тармоқлари кириб борган. Зоминда маҳаллий аэропорт ишлаб турибди.

Худуднинг бу қўлай жойлашуви хорижлик сармоядорларни ўзига жалб этмоқда. Вилоятда 2024 йилда ялли худудий махсулот ҳажми 3,3 миллиард долларни ташкил этиб, аҳоли жон бошига 2,2 минг долларга тўғри келган. Ташқи савдо айланмаси 2 миллиард, жумладан, экспорт 208 миллион ва импорт 1,8 миллиард долларга етди.

Бугун вилоятда хорижий капитал иштирокида 201 та — 86 та қўшма, 115 та чет эл корхонаси ишляпти. Сўнгги 5 йилда худудда 3,2 миллиард доллар ўзлаштирилиб, 2021 йилдагидан 2,5 баробар ўсишга эришилди. Хорижий капитални жалб этиш давом этмоқда. 2025 йилда 77 та лойиҳа ҳисобига 1,4 миллиард доллар тўғридан тўғри хорижий инвестиция ва кредит ўзлаштирилишига эришиш ҳисоб-китоб қилинган.

Хорижий сармоядор ўз-ўзидан келмайди, албатта. Уни манфаат етаклаб келади. Қўлай

инфратузилма, логистика, бир сўз билан айтганда, бизнес шароити жозибаси хориж капиталини жалб этадиган асосий омиллардир. Бу қўлайликларни хорижликларга намойиш этиш учун халқаро дипломатия ҳам керак. Шу мақсадда кейинги йилларда вилоят тadbиркорларининг хорижий мамлакатларга ва чет эллик ишбилармонларнинг вилоятга ўнлаб ташрифлари амалга оширилди.

Энг кўп борди-келди Хитой билан бўлди. Натижада бугун вилоятга киритилган хорижий инвестициянинг салмоқчи — 927,5 миллион доллари ушбу мамлакат ҳиссасига тўғри келиб, жами инвестициянинг 65,3 фоизини ташкил қилади. Шунингдек, вилоят иқтисодиётида Туркия, Россия, Буюк Британия, Швейцария, Италия, Германия, Жанубий Кореянинг улуши ортиб бормоқда. Кейинги пайтда Ҳиндистон, Қувайт, Швеция каби мамлакатлар инвестиция киритмоқда.



Хорижий ва маҳаллий сармоядорлар маблагларини қайта ишлаш ва экспортбоп тайёр махсулот ишлаб чиқариш тармоқларига сарфлаётгани иқтисодий ўсish суръатларини тезлаштиришга хизмат қилмоқда. Вилоятда тўқимачилик, қурилиш материаллари, машинасозлик ва эҳтиёт қисмлар, озиқ-овқат махсулотлари, кимё саноати ривожланмоқда. Электротехника, мева-сабзавотни қайта ишлаш, чарм-поибазал, қозғос саноати ва доривор ўсимликларни қайта ишлаш



йўналишларида хорижий сармоялар улуши сезиларли даражада ортмоқда.

Хорижий инвестиция ҳисобига машинасозлик саноати тез ривожланмоқда. Жумладан, “ADM Jizzakh” МЧЖда Жанубий Корея ва хитойлик сармоядорлар билан ҳамкорликда 310 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилиб, “KIA”, “Chery”, “Haval” бренди остида енгил автомобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бугунги кунда корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати 100 минг донага етди.

Эришилган бу каби ютуқлар билан бира вилоят иқтисодиётини ривожлантиришда ҳали ишга солинмаган катта имкониятлар бор. Масалан, худудда 14 турдаги 162 та фойдали норузда қазилма кони мавжуд. Уларда шиша, волластонит, сланец, базальт, мәрмар, минерал буюёлар, минерал тола, цемент каби хомашё захиралири аниқланган.

Худди шундай имкониятлар қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам анчагина. Вилоят тўқимачиликни ривожлантириш учун пахта, пилла,

жун хомашёси махсулотлари бўйича катта захираларга эга. Йилига 171 минг тоннадан мўлроқ пахта, 85,8 минг тоннадан ортиқ тола, 78,7 минг тоннадан зиёд ип-калава, 26,6 минг тонна трикотаж мато, минг тонна пилла хомашёси етиштирилмоқда. Бироқ махсулот ҳажмига нисбатан олиб қараганда, қайта ишлаш салмоғи анча кам.

Масалан, чорвачилик тармоғида 1,7 миллион донга тери хомашёсининг атиги 8 фоизи қайта ишланмоқда. Гўштни қайта ишлаш бундан ҳам кам — 7 фоизни ташкил этади. Худудда етиштирилаётган 714 минг тонна сўтнинг 12 фоизи қайта ишланмоқда. Дехқончиликда ҳам қайта ишлаш корхоналари етарли эмас. Етиштирилаётган 100 минг тонна меванинг 25 фоизи, 492 минг тонна сабзавотдан 35 фоизи, 33 минг тонна узумдан атиги 6 фоизи қайта ишляпти.

Бу махсулотлар қайта ишланса, худуд фаровонлигини оширишга катта ҳисса қўшади. Бироқ қайта ишлаш корхоналари эҳтиёжга қараганда кам, қуришга сармоя етишмапти.

— Шунинг учун хорижий инвестиция жалб этишга катта эътибор қаратилми, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари У. Мўйсиналиев. — Сармоядорлар эса ўз-ўзидан келавермайди. Уларнинг олдида бориш ёки уларни бу ерга таклиф қилиш керак. Жаҳоннинг турли мамлакатларидан инвесторларни вилоятимизнинг хушминга Зомин дам олиш худудига таклиф этиб, “Халқаро бизнес-форум — Жиззах 2025” ташкил этишдан ҳам шу мақсад кўзда тутилган эди.

Ушбу нуфузли тадбир Ташқи ишлар, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирликлари ҳамда Жиззах вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Форумда мамлакатимизнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари кўмағида 40 дан ортиқ давлатдан 300 хорижий, 100 маҳаллий инвестор, Тошкент шаҳридаги дипломатик корпус вакиллари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этиди.

Форум иштирокчилари Жиззахнинг инвестициявий имкониятлари, қишлоқ хўжалиги, саноат, туризм ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги лойиҳалар, хорижий инвесторлар учун яратилаётган имтиёзлар ва шарт-шароитлар билан таништирилди. Бир қанча келишувлар имзоланди.



Энг кўп борди-келди Хитой билан бўлди. Натижада бугун вилоятга киритилган хорижий инвестициянинг салмоқчи — 927,5 миллион доллари ушбу мамлакат ҳиссасига тўғри келиб, жами инвестициянинг 65,3 фоизини ташкил қилади.

БОБОЁР АКА ИССИҚХОНАДАН ЙИЛИГА 700 МИЛЛИОН СЎМ ТОПАЯТИ



Термиз туманидаги Қахрамон маҳалласида яшайдиган Бобоёр Холбоевнинг бош қашишга вақти йўқ. Бу йил 64 ёшни қарши олаётган тажрибали дехқон сўнгги уч-тўрт ойда 35 сотихдаги иссиқхонасида бир миллион тул помидор, бодринг, булғор қалампери, бақлажон, қовун-тарвуз, 25 турдаги турли гул кўчатини парваришлаб, фермер ва дехқон хўжаликларига пешма-пеш етказиб бермоқда. Даромад ҳам меҳнатига яраша: оила йилига 650-700 миллион сўм топяпти.



ни етиштиришдан бошлаган. Узоқ йиллар кўчатни фақат пойтахтдан олиб келган миришкор иссиқхонасини кенгайтириб, кўчатчиликни йўлга қўйиш, ўзи каби дехқонлар оғирини енгиллатиш иштиёқи билан ишлаган.

Меҳнат ва эзгу мақсад уйғунлиги эвазига вилоят табиатида кўчат етиштириб берувчи уста дехқон эл оғзига тушди. Шу аснода маҳаллада ҳам иссиқхоначилик билан шугулланадиган оилалар сони ошди. Эътиборлиси, бу ердан кўчат олган бошқа дехқонлар ҳам йиллар синовида толаниб, бугун тажрибали мутахассисга айланган.

Термиз туманининг унумдор ери, иссиқ табиати, қулай табиати, об-ҳаво шароити барча турдаги эртапишар қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олиш имконини беради. Шу боис, Қахрамон маҳалласида томорқасидан йил давомида самарали фойдаланувчилар талайгина.

— Янги иш ўринларини очинида ташаббускор тadbиркорларнинг хизмати катта бўлмоқда. Мисол учун, Бобоёр Холбоев ўз иссиқхонасида маҳаллодошларини доимий иш билан таъминлаган. Бу каби халқларар тadbиркорлар сафи кенгайиб бораётгани эътиборга молик, — дейди Термиз туманидаги Қахрамон маҳалласи раиси Ҳумоийддин Халилов. — Маҳалладаги ишчилар рўйхатини шакллантирганимиз. Шу кунгача 100 дан ортиқ ишсиз доимий ва мавсумий ишларга жойлаштирилган. Яна қарийб шунча одамни “Ишга марҳамат” мономарказлари ва бошқа нодавлат таълим муассасалари орқали ўқитишни режалаштирганимиз.

Меҳнат инсонни улуғлаши ҳақида кўп эшитганимиз, ўзимиз гувоҳи бўлган ҳолатлар ҳам талайгина. Гул етиштириб, халққа улашиб, қадр топаётган Бобоёр Холбоев фаолияти мисолида яна бир ҳаётий, изох талаб этилмайдиган ҳақиқатга амин бўлиш мумкин. Меҳнати ортидан оиласи бутунлигини таъминлаб, орзу-хавасларига эришяётган, бошқаларни ҳам шу мақсад сари ундаётган уста дехқон бугун элнинг эътиборида.

Сарвар ТўРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Камбағалдан фаровонлик сари

Шу кунларда Конимех туманининг Шўртпепа маҳалласида ишқомат қилувчи Карим Саъдуллаев хонадонидан харидор қадами узилмайди. Сабаби томорқасидаги иссиқхоналарда помидор ва бодринг айнаи пишиб етилган. Бозорбоп махсулотларнинг харидори кўп, бозорга чиқишга ҳам зарурат йўқ. Савдогарлар уйининг ўзидан олиб кетмоқда. Даромад ҳам шунга яраша: ҳар кун оила бюджетига 3-4 миллион сўм кирим бўлмоқда.



БОЙ БЎЛИШНИНГ ЕТТИ ИМКОНИЯТИ

Ушбу оила яқиндагина эҳтиёжманд, камбағал оилалар рўйхатида турар, асосий муаммоси ишсизлик эди. Ваҳоланки, хонадон томорқаси самарали фойдаланилса, бемалол икки-уч оилани обод қилишга еттулик даражада кенг.

Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури мана шундай оилалар учун айнаи муддао ва барқарор даромадга етаклайдиган муҳим омил бўлди. Мутасаддилар ва маҳалла масъулларининг кўмағи билан Карим Саъдуллаев томорқасида имтиёзли кредит асосида иссиқхона қуриб берилди. Шу тариқа оила доимий даромадга эга бўлди.

— Ишсизлик тўғрисида жуда тушун қолатида эдик, — дейди оила бекаси Ойдин Саъдуллаев. — Турмуш ўртоғим топан ишларда даромад яхши бўлмагани боис, қийинчиликлардан қутулишининг имкони бўлмади. Фарзандларимиз воёта етган сари харажат кўпайиб, турмушимиз янада оғирлашди. Оиламизга бириктирилган масъул ва маҳалла мутасаддилари уйимизга келганида бу ҳолатимиз давлатимиз эътиборидан четда эмаслигини ҳис қилдик. Бизга тўғри йўл кўрсатилди, имтиёзли кредит асосида томорқамизда иссиқхона қуриб берилди. Иссиқхонада кўчатлар экиб, парваришлашга кўмаклашилди. Ҳосилга киргунга қадар хабар олиб турилди. Тажрибали мутахассислар мунтазам тавсиялар берди. Қарангки, томорқамизда шунча барака борлигини билмаган эканмиз. Энди оиламиз камбағал эмас ва доимий даромадга эгамиз.

Президентимизнинг 2025 йил 17 январдаги “2025 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағаллиқни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу жараёнда дастуриламал бўлиб

хизмат қилмоқда. Қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ва “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш жараёнида Навоий вилоятининг барча шаҳар ва туманида масъуллар кўмағида камбағалликдан чиқатган оилалар сони ортиб бормоқда. Бу эса ушбу эзгу дастур доирасида тизимли ишлар йўлга қўйилганидан далоят. Вилоятда “Камбағал оилалар учун еттига имконият ва масъулият” тамойили йўлга қўйилган. Бунда камбағал оилалар билан ишлашда барқарор бандлик ва юқори даромад топишга эришиш, таълим олиш ва касб-ҳунар ўрганиш, қафолатланган давлат тиббий ва ижтимоий хизматларидан фойдаланиш, янаша шароитини яхшилаш ва тўғридан тўғри мулоқот қилиш каби масалалар устувор этиб белгиланган.

— 2025 йил бошидаги ўрганишлар давомида вилоятда 62 минг киши камбағаллик рўйхатида киритилиб, 550 раҳбар ходимга 2723 та оила бириктирилган, — дейди Навоий вилояти камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик бошқармаси бошлиғи Лутфулло Хайруллаев. — “Маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда ҳар бир камбағал оила бўйича индивидуал дастур тузилди. Шу асосда уларни камбағалликдан чиқариш бўйича чора-тадбирлар белгиланган олинди. Биринчи босқичда ушбу оилаларда 17 мингта муаммо аниқланган бўлса, бириктирилган масъуллар ва “маҳалла еттилиги” кўмағи билан уларнинг 95 фоизи ўз ечимини топди.

Албатта, фаровонликка ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Бунинг учун инсон ҳаракат қилиши, имконият излаши зарур. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурининг асосий мақсади фақат текин кўмак эмас, балки айрим оилалардаги боқимандалик

кайфияти ва дунёқарашни ўзгартириш учун тўғри йўл кўрсатишдир.

Шунингдек, эҳтиёжманд оилаларни камбағалликдан чиқаришнинг яна бир омилни томоқдан самарали фойдаланишдир. Аммо барча ҳудудда ҳам бунинг имкони йўқ. Сабаби сўғирли тизими бўлмаган маҳаллаларда бу энг оғир масала. Президентимиз қарориди ушбу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган. Шу асосда Навоий вилоятда энг оғир 41 та маҳалла танлаб олиниб, тик қудуқлар қовлаб сув чиқариш, ариқлар қазиб, лотоклар қуриш учун 123 миллион сўм ажратилди.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида ишсиз фуқароларнинг турли йўналишларда бандлигини таъминлаш орқали доимий даромад қилиш учун барча имконият яратилмоқда. Жорий йилда вилоятда 140 минг кишининг бандлигини таъминлаш кўзда тутилган бўлса, биринчи чоракда 27,5 минг фуқаро меҳнат фаолиятини бошлади. Шунингдек, йил якунига қадар 30,1 минг одамни камбағалликдан чиқариш орқали вилоятда камбағаллик даражасини 3,4 фоизга тушириш режалаштирилган.

Бугун юртимизда ҳеч бир инсон ўз муаммоси билан ёлғиз қолиб кетмаган. Камбағал оилалар ва ишсиз аҳоли ўртасида ҳам меҳнат қилиш, даромад топиш, янада фаровон яшашга интилиш шаклланипти ҳамда дунёқараш ўзгаряпти. Муҳими, зарур кўмак, шароит ва ҳар томонлама қўллаб-қувватловдан самарали фойдаланиш фаровонликка етаклайди.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН |

“КИТОБХОНЛИК ҲАФТАЛИГИ” ҚАНДАЙ ЎТДИ?

Дастурнинг маънан кенгайган мундарижаси

Жорий йил 21 апрель куни мамлакатимиз бўйлаб “Ўзбекистон — китобхонлар юрти” шиори остида бошланган V республика “Китобхонлик ҳафталиги” 27 апрелга қадар давом этди. Ҳафталик доирасида янги китоблар тақдими, ярмаркалари, акция ва викториналар, маҳорат дарслари, ижодкорлар билан учрашувлар каби кўплаб маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Сўнгги йилларда чоп этилган китоблар тақдими, таниқли ва ёш адиблар билан учрашувлар, ношир ва матбаачилар иштирокидаги мулоқотлар ҳафталик дастурининг энг манфаатли жиҳатларидан бўлди.



Ҳаким Йўлдошев олган суратлар.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

“Libmob”, “Кутубхонага қандай борилади?” акциялари, “Мутолаа қилиб, сизга ҳам тавсия қиламиз” челленжлари ёшлар орасида ўзига хос аҳамияга эга бўлди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар маркази ва Тошкент шаҳридаги маданият ҳамда истироҳат боғлари, шунингдек, туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказларида “Ноширдан китобхонга” тамойили асосида китоб савдо-ярмаркалари ўтказилди.

Китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш мақсадида пойтахтда ташкил этилган ярмаркада Ўзбекистондаги ўнлаб давлат ва хусусий наشريётлар ўз маҳсулотлари билан иштирок этди. Asaxiy Books каби интернет китоб дўконлари рас-таларида ҳам охириги йилларда шов-шув бўлган турли бестселлерлар хараид қилинди. Иштирокчилар орасида турли акция ва китоб танловлари ҳам уюштирилди. Уч кун давом этган ярмаркада кунига 80-100 та китоб арзонлаштирилган нархда сотилди.

Ёзувчилар уюшмасининг “Паркент ижод уйи”да ноширлар ва муаллифлар иштирокидаги учрашувда болалар ва ўсмирлар адабиётини ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

— Ҳар йили ноширлар ва ижодкорлар олдида долзарб мўайян вазифалар қўйилади. Бу йилги вазифалар болалар адабиётига эътибордан бошланди. Уни ривожлантириш, хилма-хиллигини таъминлаш, бутун-ги давр талабига, болалар руҳиятига мос китобларни қўпайтириш, йўналишининг асосий муаммо ва камчиликларини тузатиш муҳокаманинг асосий мавзуси бўлди. Шу нуқтани назардан, бу йилги “Китобхон-лик ҳафталиги”нинг мундарижаси кенгайди. Болалар адабиётига оид тадбирлар, тақдимотлар, театрлаштирилган асарлар билан бойиди. Шунингдек, хорижда бо-лалар адабиёти бўйича тадқиқот олиб бо-раётган олимларимиз билан онлайн муло-қот ўрнатилди. Ушбу йўналишдаги хориж тажрибаси ўрганилиб, фойдали жиҳатлари

розилигини олиш, муаллифлик ҳуқуқи, таржимон учун ҳақ тўлаш каби омиллар са-баб китобнинг таннархи ошиб бораверади. Электрон китоблар тарқалиши эса босма китоблар сотувини камайтириб юбориши, харажатни қопламаслиги мумкин.

Бундай вазиятда давлат ташаббусни қўлга олди. Президентимиз қарорига кўра, машҳур 1000 та китобни ўзбек тилига тар-жима қилиб чоп эттиришни кўзда тутувчи “Ёшлар учун минг китоб” лойиҳаси ишга туширилди.

Экспертлар кенгаши томонидан ўзбек тилига таржима қилиниши мумкин деб то-пилган 20 дан ортиқ йўналиш бўйича ки-тоблар рўйхати шакллантирилди. Лойиҳа доирасида чоп этилиши назарда тутилган 50 та китобнинг таржима ҳуқуқи олинди. Бу борада АҚШ ва Буюк Британиядаги 20 га яқин нуфузли наشريёт билан сама-рали келишувга эришилди. Ёшларнинг интеллектуал ва илмий салоҳиятини оши-ришга қаратилган, дунё миқёсида машҳур китобларни ўзбек тилига таржима қилиш ва уларни кенг оммага етказишни мақсад қилган ушбу лойиҳа ҳамда бошқа тизимли ишларнинг бутунги ҳолати, келгусидаги режалар хусусида ҳафталик доирасида ба-тафсил маълумот бериб ўтилди.

— Бу йилги “Китобхонлик ҳафталиги” дастури нисбатан кўпроқ тадбирларни қам-раб олди. Масалан, “Маҳалла — оила — ку-тубхона”, “Маърифатпарвар аёллар” “Бу-гунги ёшлар ва ижод: адабиётга қанчалар яқинмиз?” мавзуларидаги давра суҳбатла-ри, айни куннинг долзарб масаласи бўлган “Яшил макон” лойиҳаси, ҳафталик доира-сида ўқувчилар ўртасида ташкил қилин-ган “Адабий устхона” маҳорат дарслари, “Табият қўйида мутолаа — китобтерапия” сингари тренинглар ҳафталикнинг юқори даражада ўтишига хизмат қилди, — дейди Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори ўринбосари Насибхон Холдорова. — Ма-даний эҳтиёжлар, қадрият ва қизиқишлар

ўзимизда татбиқ этилмоқда, — дейди “Ўз-бекистон” наشريёти ДУК бош муҳаррири Мухиддин Омонов. — Бундан ташқари, ҳафталик доирасида наشريётимиз томони-дан “Китобхон болалар” туркумида ижти-моий буюртма асосида болалар ва ўсмир-лар учун нашр этилган 20 номдаги асарлар тақдими ҳам бўлиб ўтди.

Қайси китобни ўқиш ҳақида ҳар ки-мин-нинг танлови, диди, фикри турфа хил ва ўзига хос. Муҳими инсоннинг жаҳон ада-биётига энг сара асарларни она тилида топа олишидир. Чунки бадний, илмий ада-биётларни хорижий тилларда ҳам она тили даражасида тушуниб ўқийдиган ёшлар жуда кам. Бундай вазиятда эса жаҳон дурдонала-рини она тилимизга маҳорат билан ўтир-ган таржимонлардан миннатдор бўламиз. Аммо наشريётларнинг энг сара асарларни таржима қилдириш учун ҳамisha ҳам маб-лағи етарли бўлмайди. Қолаверса, муаллиф

таъсири натижасида ҳар қандай ижтимоий фаолиятда руҳий-маънавий мотивлаш ме-ханизми вуқудга келади. Ушбу механизм шахсининг бирор мақсадга эришиш йўли-даги аниқ фаолиятини ифода этади. Талаб қизиқишга, қизиқиш эса мақсадга айланади. Эстетик талаблар ёки изланиш эҳтиёжи му-толаага қизиқишга олиб келиб, режалашти-рилган аниқ мақсад — кутубхонага бориш заруратини юзага келтиради. Ҳафталикнинг бош мақсадларидан бири ҳам шу, аслида.

Бутунги ёшлар эртанги авлодининг ота-оналаридир. Йилдан йилга тақомиллашиб бораётган “Китобхонлик ҳафталиги” бо-лалар савиясини ошириш, дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилар экан, бу тар-ғибот таъсири келажакка ҳам татийди.

Азизбек ЮСУПОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

2025 йил 29 апрель, 86-сон

Миллий давлатчилигимиз тарихидан

5

Янги тахрирдаги Конституциямиз муқаддимасида “давлатчилигимиз ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий тажрибаси, шунингдек, жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий мероси” алоҳида таъкидланади.

ЭФТАЛИЙЛАР СУЛОЛАСИ

Эфталлийлар, тўғрироғи, абдаллар сулоласи 440-565 йилларда ҳукмронлик қилган. Улар Марказий Осиё, айниқса, Ўзбекистон ҳудудидаги илк ўрта асрлар давлатчилиги тарихида ўзига хос ўрин эгаллайди. Ўша кезларда Амударё — Сирдарё оралиги ва унга туташ ўлкалар — бугунги Жанубий Туркменистон, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон ва Шарқий Туркистоннинг бир қисmini ўз ичига олган эфталлийлар сулоласининг таянч ҳудуди Бақтрия-Тўхористон (Жанубий Ўзбекистон, Жанубий Тожикистон, Шимолий Афғонистон) ўлкаларини қамраб олган эди.

Хитой, юнон, арман, сурёний, араб, форс, ҳинд, бақтрий ва бошқа тиллардаги ёзма ман-балар ҳамда сарой деворий расмлари, танга пуллар, турли буюмлар сиртидаги битиклар ва бошқа археологик топилмалардан англа-шилшича, эфталлийлар Хитой, сосонийлар Эрони, Византия каби ўз даврининг кучли салтанатлари билан сиёсий ва маданий ало-қалар ўрнатиб, ўзидан бой мерос қолдиради. Бу сулола тарихи ўлкамиз ва чет эл та-рихшунослигида анча ўрганилган бўлишига қарамай, ҳали кўплаб ҷигалликлар учрайди. Айниқса, уларнинг илк яшаган юрти, этник келиб чиқиши, давлат бошқаруви ва қўла-нилган унвонлар бўйича бир тўхтамага келин-ганича йўқ. Айрим изланувчилар уларни тур-кий эллат деб билса, бошқалар уларни эроний тили бўлган, дейди. Шунингдек, эфталлийлар Марказий Осиёнинг қайси ўлкасида — Олтой ё Тангритоғ (Тяньшань) этакларида ёки Орол бўйида, Помир ё Бадахшон тоғларида яша-ган, ё бўлмаса Тўхористон уларнинг илк юрти бўлгани борасида тортишувлар ҳалигача ўз ечимини топмаган.

Византия манбаларида *Ερδσλται*, *Αβδσται*, форсча *Heftal*, *Heptal*, арманча *Heṙtʿal*, *Tʿetal*, арабча *Haytal* (қўпликада *Haydila*), хитойча *Yeh-ta*, *Yeh-tai-i-li-tʿo*, *Hua*) кўринишларида тилга олинган бу этник ғуруҳ хитойча *Hua* (Авар), юнонча Вар-Хун кўринишларида ҳам келтириб ўтилган. Шунингдек, хитой, юнон ва бошқа тили ёзма манбаларда эфталлийлар билан боғлиқ этник атамалар “авар”, “абдал”, “ал-хун” кўринишларида учраб, “абдал” ата-маси бутун қатор туркий халқлар — ўзбек ва туркманларда, Озарбайжон ва Онадўли турклариде бирор уруг номи ёки топоним ўлароқ сақланиб қолган. Бундан ташқари, пуштунларнинг ийрик бир уруги “абдалзай” (абдал уруги), Тожикистондаги аҳоли мас-канларида бири Яфтал ушбу этноним билан алоқадор.

Араб муаллифлари барча туркий элат ва уругларини эмас, улар орасидан “халач”, “кан-жина турклари”нигина эфталлийлар издоши деб таништириб, “*Ҳадапта* — Тўхорис-тонни бошқарган қудратли кишилар ғуру-ҳи, Халаж ва Канжина турклари уларнинг авлодидир”, деб ёзган. Чамаси, уларнинг тили туркий тилларнинг бошқа бир тармоғи бўлиб, милод бошларида туркий тилларнинг аждоди — қадимги турк (хун тили)дан ажра-либ чиққан.

Турли тиллардаги маълумотлар бошқа туркий этнослар каби эфталлийларнинг ҳам бир неча уруг ва қабиллага бўлигинани кўр-сатади. Хитой, юнон, арман, ҳинд, араб ва форс тилларидаги маълумотлар ўзаро солиш-тирилганда уларнинг қўйидагилар 10 та уруги бўлгани аниқлашди: 1) эфтал (абдал); 2) авар; 3) зубул; 4) канжина; 5) кумиж; 6) ха-лаж; 7) хун (ол хун — қизил хун, оқ хун); 8) қарлук; 9) қадис/қадисаер/қадис-хун; 10) чўл.

Қўпи туркий, бир бўлага эса эроний ва бошқа элатлардан бўлган ушбу уруглар ора-сида эфтал, оқ хун, қизил хун ва авар қабилар хунларнинг бир тармоғи сифатида билинган бўлса, канжина, қарлук, чўл каби элатлар эса ё эфталларнинг, ё бўлмаса турклар (Турк хоқонлигининг бирор уруги ўлароқ тилга олинади. Ёзма манбаларда эфталлийлар ва қар-луқлар орасида ўзаро қариндошлик алоқалари борлигига хитой, араб ва форс муаллифлари бир неча бор уруг берган. Гардизий “Зайн ал-ахбор” асарига (XI аср) Тўхористон ҳайталла-ри ва қарлуқлар ақилини тўғрисида қўйида-гиларни ёзган бўлиб, бу бежиз эмас эди: “Турк хоқони қарлуқларнинг қўпайиши, устуликка эга бўлгани ва Тўхористон ҳайталлари билан иштиқоқ тузиб, улардан қиз олиб, қиз бергани ва Тўрқистоннинг заифлашганини кўргач, ўл-қасининг оқибатидан қўрқди”.

Эфталлийлар сулоласининг сиёсий жиҳат-дан уюшиб, йирик бир кучга айланиши бўй-ча шу каби қарашлар билдирилган: IV аср ўр-таларида ёки иккинчи ярмида келиб чиқиши тўлақонли аниқланмаган янги қўчманчилар ғуруҳи пайдо бўлди. Улар Византия манба-ларида хионийлар деб аталган бўлиб, чамаси, Шимолий Сюн-хун (хун)ларнинг бирмунча олдинроқ Фарбога кўчиши билан боғланади. Улар IV асрнинг ўрталарида Самарқандни эгаллаб, Тўхористонга ўттах, бу ерни ўзининг

пайтда (450-йилларда) унга Ғарбий ўлкалар-даги Кангой (Чоч ёки Сугд), Хўман, Шалэ (Кошғар), Куча, Аньси (Қорашахр) каби 30 га яқин кичик ҳукмдорлик бўйсунган.

Ўша кезларда Хитойда Шимолий Вэй (Тоба) (385-556 йиллар) сулоласи етакчилик қилар эди. Эронда эса йирик сиёсий куч — сосонийлар империяси бошқарув тизгинини қўлда тутиб, Хуросонни эгаллаш учун эфтал-лийларга қарши кураш олиб бормоқда эди. 560-йилларда сосонийлар ҳам худди Хитойга ўхшаб минтақада янги сиёсий куч — Турк хоқонлиги ўртага чиқишини хайрихоҳлик билан кутиб олади ва хоқонлиқнинг эфталлий-ларга қарши сиёсатини қўллаб-қувватлайди.

Бошқарув маркази Кобул бўлган эфталлий сулоласи тармоқларидан бирини бошқарган Тўраман (515 йилда вафот этган) Ҳинд дарёси қирғоқларидаги бир неча ўлкани бўйсунди-риб, Малтағача етиб боради. Унинг ўғли Мих-рақул (515-530 йиллар) ўз бошқарув маркази-ни Кобулдан Гандҳара (Шарқий Панжоб)даги Сакал шаҳрига қўчиради. Хитойлик сайёҳ Сун Юнь у билан 520 йилда шу ерда учрашади. Сайёҳнинг ёзишича, ўша чоғларда эфталлийлар Кашимирни қўлга қиритган эди. Ҳинд ҳукмдо-ри Ясодхарман битикларидан аниқланишича, 533 йилда у эфталлийларни енгиб, Михрақулни ўзига бўйсундиради. Шундан кейин Кашимир-ни ташлаб чиққан эфталлий ҳукмдори Гандха-ра (бугунги Покистон)га қайтади.

Эфталлийлар сулоласининг таянч ўлкаси Тўхористон бўлиб, бу ерда унинг бир неча бошқарув маркази ўрин олган эди. Ўлкада-ги Чағониён, Термиз, Балх, Қўндуз ва бошқа



Эфталлийлар қўшинининг бир қисми яёв (пиеда) аскарлардан иборат бўлиб, жангчилар бошдан-оёқ пўлат зирх кийган, бошида дубул-га, қўлида “қинғирак” ёки ақинак (ханжар-симон узун тўғри қилч)га ўхшаш қуроллар билан урушга кирган. Бунки кўплаб археологик топилмалар — Қизил (Шарқий Туркистон) ва Тавка қўргон (Сурхон воҳаси)дан топилган қурол-яроғлар, сарой деворий суратларидаги тасвирлар ҳам тасдиқлайди.

Эфталлийлар даврида минтақада сугдийча, хоразмча, “номалум ёзув” (эҳтимол, қадим-ги туркий), карошти, эфталйича ёзувлар мав-жуд бўлган. Эфталйй ёзуви ҳақида хитойлик Сюан Цзян бундай ёзганди: “Ёзувларидаси асосий ҳарфлар сони йишима бешта бўлиб, улар ёрдамида иборалар, сўзлар ясайдилар. Саҳифада хатни энга туширадилар, напдан ўнга қараб ўқийдилар”.

Диний эътиқод борасида ҳам хилма-хил-ликни кўриш мумкин. Ўлкан салтанат аҳли зардуштийлик, қадимий эътиқодлардан Сиё-вуш, Анахита, Митрага, буддапарастлик (асо-сан Шимолий Ҳиндистонда) каби динларга снгинган. Шу билан бирга, ўлкада Моний ва Маэда таълимотлари ҳам тарқала борган. Эфталлийлар Олтойдан кўчиб келиш арафасида тангричиликка ўхшаш иночн тизимни жалган деган қарашлар бор.

Эфталлийларнинг ташқи алоқалари балқа-ро савдо-сотқк йўллари бўйича рақибни Эрон билан ғоят кескин кечган. Сосонийларнинг эфталлийларга ўлон тўлаши Перўзинг ўғли Қубод ҳукмронлиги йилларида ҳам давом этади. Эфталлийлар сосонийларнинг ички иш-ларига аралашишга интилган. Масалан, 496 йили тахтдан ағдарилиб, қамоққа ташланган Қубод қочиб, эфталлийлар олдида боради. Эфталлийлар ёрдамида Қубод 499 йили яна Эрон тахтига ўтиради. Эфталлийлар сосонийларни ўзига қарам қилиб олганидан сўнг уларнинг имкониятидан Византияга қўши курашда фойдаланган. Уларнинг Византияга қарши 502 йилдаги юриши сосонийлар иштирокида амалга оширилган.

Эфталлийларнинг Хитой билан муноса-батлари асосан савдо-сотқк орқали амалга оширилиб, Буюк ипак йўлининг шимолий ва жанубий йўналишлари минтақамиз орқали ўтиши катта аҳамият касб этган. Уларнинг Ҳиндистон ва Европанинг шарқий ўлкалари билан ҳам яқин алоқаларда бўлгани маълум.

Шундай қилиб, V-VI асрларда ўлкамизда, ялли олганда, минтақада юз йилдан ортиқ давр давомида эфталлийлар сулоласи ҳукм-ронлик қилди. Давлатни бошқаришда улар ўтмиш дондгор сулоаларида қолшма-ган. Аксинча, эфталлийлар сулоласи сўнгги қушонлар замонида бошбоқоқлик йўлига кирган мамлакатни қайтадан бирлаштириб, сиёсий, иқтисодий, маданий муносабатлар ва ташқи алоқаларни янада ривожлантирди.

Ғайбулла БОБОЁРОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

Бошланиши 1-бегда

Йўл-йўлакай машинада гурунг қизийди. Аэропортнинг кутиш залида ўзини корейлик деб таништирган фольклоршунос олима билан қардош турк вакили, яна ўзимизнинг олимлар ўзбек тилида суҳбатлашиб кетади. Суҳбат асосида уларнинг бу фестивал доирасида олдин ҳам учрашгани ойдинлашади. Ташқаридан қараган инсон учун бу самимий гурунг иштирокчилари бир ватан, бир оила аъзоларидек таассурот уйғотади. Бир вақт турк қардош “Гўрўғли” дostonидан парча айта бошлади. Унинг бўғиқ овози бир мuddат барчамизни тарих қабрига етаклади.

Бугун жаҳон саҳнида содир бўлаётган талатўллар, баъзи кучлар томонидан халқлар ўртасига низо уруғи сочилиши, ўзликдан узоклашиш, маданий инқирозлар эъ бермоқда. Шундай бир вақтда дунёнинг турли нуқталаридан келган инсонлар илдизи олис ўтмишга туташган, халқларнинг бой тарихини тараннум этадиган, инсонга руҳий озук бағишлайдиган, тафаккур қувватини ўзда мужассам этган дostonлар ҳақида суҳбат қилишди катта ҳикмат бор.

Зеро, дostonларда эл дарди, қараш муҷасам. Уни тинглаб улғайган болалар ботир, юрт учун қаҳрамонлик қилишга қодир, эл-парвар ўғил-қизлар бўлиб улғаяди. Ҳа, халқ оғзаки ижоди ана шундай енгилмас, яшаб қолажак руҳий қувват манбаидир.

ДОНИШМАНДЛИК ВА ЎЗЛИК ПОСБОНИ

Меҳмет СУРАЙЯ ЭР, Туркий давлатлар Парламент Ассамблеяси бош котиб:

— Хива туркий дунёнинг маданий ва меъморий улугворлигига жонли далил. Бугун унинг қадимий деворлари халқларимизнинг барҳаёт анъаналарига яна бир бор гувоҳлик бермоқда.

Ушбу фестивал шунчаки ижрочилик санъати байрами эмас. Бу туркий дунёда донишмандлик ва ўзлик посбони сифатида эъзозланган санъат — бахшичилик айёмидир. Бахшичилик халқ солномасини чуқур фалсафа орқали дostonлар, шеърлар ва мусикий маҳорат орқали етказадиган абадий, ахлоқий ривоятлар тажассумидир.

Ўзбекистонда бир неча йилдан бери ўтказиб келинаётган Халқаро бахшичилик санъати фестивали маданий алоқаларни ривожлантиришга беқисс хизмат қилмоқда. Фестиваль иштирокчилари йил сайин кўпайиб, халқаро миқёсда эътирофларга сазовор бўлаётгани ушбу ноёб санъат турини сақлаш ва тарғиб этишга қизқиш кучайиб бораётганидан далолат. Бунда, албатта, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу тадбирнинг беқисс ўрни бор.

Халқаро бахшичилик санъати фестивали доим кўтаринки руҳда ўтади. Шу боис, уни шунчаки ижро этиш саҳнаси дейиш хато. У юксак маънога эга нуфузли тадбир. Яъни фестивал турли авлод

Инсониятнинг қадимий маданий бешиклари билан Хоразм диёри кўплаб халқ бахшиларини камолга етказган. Улар куйлаган дostonлар бугун ҳам тафаккурни бойтаётган, ўзликнинг маънавий ўчоғи ўлароқ эътироф этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари фестивал иштирокчиларига йўллаган табригида бунга алоҳида урғу берди: “Бу қўтулғ заминдан етишиб чиққан Ўзбекистон халқ бахшилари “Бола бахши” — Қурбонназар Абдуллаев, “Қаландар бахши” — Рўзимбой Норматов, Абдулла Қурбонназаров, Етмишбой Абдуллаев каби ёрқин овоз ва истеъдод соҳиблари томонидан юксак пардаларда куйланган “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Гўрўғли”, “Авазхон”, “Алпомиш” ва “Хирмондали” каби халқ дostonлари миллий маданиятимизнинг ўлмас дурдоналари сифатида маънавиятимиз хазинасидан мустаҳкам жой эгаллаганини чуқур миннатдорлик билан эътироф этамиз ва бахшичилик санъатининг бугунги давомчилигига ижодий ютуқ ва раванқ тилаймиз”.

Бахши деганда, халқимизда саёз тушушча бор эди. Яъни терма, айтим ва дostonларни куйлайдиган касб сифатида қараларди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Халқаро бахшичилик санъати фестивали ҳар икки йилда анъанавий тарзда ўтказилаётгани соҳада катта бурилиш ясади. Ушбу фестивал саёб юртимизга юзлаб давлатлардан халқ бахшилари кела бошлади. Улар соз ва сўз уйғунлигида ижро этган дostonларидан юртдошларимиз

баҳраманд бўлди, — дейди “Шухрат” медали соҳиб, сурхондарёлик Равшан бахши Маматмуродов. — Бугун мусиқа мактабларида бахшичилик тўғрақлари, бахшиларни моддий-маънавий қўллаб-қувватловчи Бахшичилик санъати маркази, Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтида дoston ижрочилиги кафедраси очилди. Бу орқали бахшилар ҳам олий маълумотта эга бўлиш имкони яратилди. Бунинг меваси

ИНСОНИАТНИНГ ҚАДИМИЙ МАДАНИЙ БЕШИКЛАРИДАН БЎЛГАН ХОРАЗМ ДИЁРИ КЎПЛАБ ХАЛҚ БАХШИЛАРИНИ КАМОЛГА ЕТКАЗГАН. УЛАР КУЙЛАГАН ДOSTONЛАР БУГУН ҲАМ ТАФАККУРНИ БОЙТАЁТГАН, ЎЗЛИКНИНГ МАЪНАВИЙ ЎЧОҒИ ЎЛАРОҚ ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА.

ТАРИХ ВА ҚАДРИЯТЛАР ТИМСОЛИ

Султон РАЕВ, Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙ бош котиб:

— Ўзбекистон туркий дунёнинг илм-фан ва маданият бешигидир. Бой тарих, цивилизацияга эга шундай заминда ўзликни англашга қаратилган нуфузли анжуманда иштирок этиш мен учун улкан шараф.

2023 йилда Қорабоғ гавҳари — Шуша шаҳрида ташкил этилган I Турк дунёси маданият форуми умумий маданиятимизнинг қудрати ва ҳамкорлигимиз салоҳиятини яна бир бор яққол намоён этганди.

Бугун эса Ўзбекистон Маданият вазирлиги меъзонлигида ушбу нуфузли форумнинг иккинчи босқичини ўтказётганимиз ўзаро маданий ҳамкорлигимиз барқарорлиги ва давомийлигининг ёрқин ифодасидир.

Туркий маданиятда ҳар бир нақш шунчаки чизилмаган. Сопол, гилам нақшлари, мусиқа асарлари — уларнинг барчаси нафақат санъат намунаси, балки ўзлик, тарих ва қадриятлар тимсолидир. Туркий маданият эстетикаси ва теранлиги нафақат кўзини қувонтирадиган тасвирий гўзаллик эмас, у бутун инсониятни бирлаштирувчи умумий тилга қиёсланади. Бу тил инсон қалбидagi гўзаллиқни ифода этади, маданиятимиз эса бу



умумий тилни бизнинг ягона маданий майдонимизга айлантиради.

Бугун дунё сиёсати мураккаб ва ноаниқ. Бундай вазиятда мувозанатни сақлаш муҳим. Туркий дунё ушбу мувозанатни топиш учун тинимсиз изланмоқда. Бу изланишга жавоб шонли ўтмишмиздаги қадимий маданиятлар қабрига яширинган. Туркий маданият эса инсониятнинг бирга яшاشи, умумий қадриятларга асосланиши учун зарур қалитни ўзда мужассам этади.

Келажакка дадил қадам ташлаш учун биз қалбимиздаги ички гўзаллик, тотувлик ва эстетикага таянамиз. Асраб келаётган маданиятимиз эса бутун инсоният учун умид манбаидир. Илдиларимиз бир, келажагимиз умумий. Бирлигимиз бардавом, маданиятимиз барҳаёт бўлсин!

Адил КЕРИМЛИ, Озарбайжон маданият вазири:

— Бугун Ўзбекистон нафақат мамлакат ичкерисида, балки бутун турк дунёсида ижобий ташаббусларни илгари суришда етакчилик қилмоқда. Эътиборлиси, юртингиз барча соҳа, хусусан, маданият борасида ҳам юксалиш даврини бошдан кечирапти. Бу бизни, албатта, қувонтиради.

Хива шаҳрида IV Халқаро бахшичилик санъати фестивали доирасида II Туркий дунё маданияти форуми ўтказилгани ҳар икки тадбирнинг аҳамиятига алоҳида ранг ва қадр бағишлади.

Халқларимизнинг муҳим маданий қадриятлари Халқаро бахшичилик санъати фестивали доирасида жонлантирилди. Бу, шубҳасиз, туркий халқлар ўзликнинг сақланиши, урф-одат ва анъаналаримизни келажақ авлодга етказишда ниҳоятда катта аҳамият касб этади.

Шу кунларда Хива шаҳри турк дунёсининг том маънодаги маданият марказига айланади. Бу ерда умумий қадриятларимизни асраш, ҳимоя қилиш ва халқаро миқёсда тарғиб этишчи зиммасида олган халқаро ташкилотлар, давлат идоралари, илмий доиралар,



маданият арбоблари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари жамланди.

Туркий олам дунёнинг энг қадимги цивилизацияларидан бирига асос солган. Шу орқали инсоният тарихидаги маданият ва илм-фан ривожига мислсиз ҳисса қўшган. Низомий Ганжавий, Алишер Навоий, Юнус Эмрӣ, Имодиддин Насимий, Мухаммад Фузӯлий, Абай Қўнонбоев, Чингиз Айтматов каби мутафаккирлар туркий халқлар тафаккури шаклланиши ва миллий-маънавий онининг ривожланишида улкан роль ўйнаган.

Халқларимизнинг маданий ареали нафақат бугунги туркий давлатлар билан чегараланиб қолмайди. Маданий интеграция жараёни географик жиҳатдан кентрoқ ҳудудни қамраб

олиши лозим. Зеро, туркий маданиятининг глобал миқёсдаги нуфузи янада ошсин.

Туркий дунёнинг этномаданий харитасини тузиш, шунингдек, унутилиб бораётган урф-одатлар ва номоддий маданий мерос намуналари реестрини яратиш керак. Бу келажақ авлод учун бебаҳо мерос бўлади. Ушбу соҳада ҳам ҳамкорликдаги фаолиятимиз самарали натижа беришига ишонамиз.

Туркий дунёда маданий бирдамлик ва ўзаро интеграция гоёси мустаҳкам асослар устига қурилган. Биз унинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилишга қатъий бел боғлаганмиз. Бу борадаги ишларимизда Ўзбекистон ташаббуси билан ўтаётган маданий ҳафталик ва турли тадбирларнинг алоҳида ўрни бор.

Шаҳин МУСТАФОЕВ, Туркий академия президенти:

— Қадимий Хоразмда ўтказилган тадбирлар туркий дунёни бирлаштирадиган чуқур рамзий маънога эга. Бу серқосх замин ўтмишда қудратли давлатлар — Қорахонийлар империяси, Хоразмшоҳлар давлати ва Олтин Ўрда тарихида муҳим ўрин тутган. Бу ҳудуднинг барча тарихий даврлари унинг бой маданий қодида ўз изини қолдирганига шубҳа йўқ. Археологик ёдгорликлардан тортиб, халқ оғзаки ижодиғача — буларнинг барчаси Ўзбекистон ва бутун туркий дунёнинг умумий хазинасидир.

Бугун туркий давлатлар ўртасида фаол ҳамкорлик ва интеграция жараёни кетмоқда. Шу муносабат билан туркий давлатлар раёбарлари турли халқаро майдонларда ўз сиёсий ирода ва қарашларини очиқ ифода этмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон жуда муҳим ва масъулиятли ўрин тутаётганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар халқларимиз умумий тарихи ва маданиятининг мустаҳкам пойдеворига таянади. Шу нуқтан назардан, халқларимиз ўртасидаги маданий ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мустақил мамлакатларимиз маданий ҳамкорлик учун кенг имкониятларга эга. Биз, энг аввало, бой маданий меросимизни ўрганиш ва асраш йўлида биргаликда ҳаракат



қилишимиз керак. Бу борада, шубҳасиз, Ўзбекистон, хусусан, Хоразм тажрибаси бошқа туркий давлатлар учун ҳам ибратли намуна бўла олади. Зеро, бу замин Хоразмий, Беруний, Жалолиддин Мангуберди, Абулғози Баҳоуддинхон каби буюк сиймолар ватани ҳисобланади.

Бу ўлка бой илм-фан, қадимий меъморчилик ва ажойиб археологик ёдгорликларга эга. Туркий давлатлар биргаликда туркий моддий ва номоддий маданиятнинг ажойиб намуналарини ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатида

киритиш учун ҳам ҳамкорликда ҳаракат қилиш керак. Биз умумий маданиятимизни жаҳон миқёсида кенг тарғиб қилишимиз лозим.

Биргаликда маданий йўналишлар яратишимиз ва умумий сайёҳлик фаолиятини ривожлантиришимиз керак. Қисқача айтганда, маданият ва туризм вазирликлари, халқаро, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда маҳаллий ҳамжамиятлар томонидан кўплаб ишларни амалга ошириш зарур.

Хоразмда ўтаётган форум доимий ва умумий платформа шакллантиришдан далолат бермоқда. Бу, албатта, қувонарли. Чунки у узoқ муддатли ҳамкорлик учун асос бўлиб хизмат қилишига ишонамиз. Шу боис, биз келажақда туркий давлатлар учун ниҳоятда муҳим бўлган маданият форуми гоёсини ривожлантиришга ҳар томонлама ҳисса қўлишига тайёрмиз.

Сардор ТОЛИБОВЕВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОБИСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.